O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Urgut tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Ургутского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 йил «25» май № 136/1-К Urgut sh. – г.Ургут

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси хамда Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"нинг 148-моддасига асосан Ургут туман маҳаллий бюджетининг харажатлар қисмига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 148-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4555-сонли ҳамда Халқ депутатлари Ургут туман Кенгашининг 2019 йил 19 декабрдаги "Ургут туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 281/42-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ургут туман ҳокимлиги молия бўлимининг 2020 йил 14 апрелдаги 01/02-38/428-сонли "Ургут туман маҳаллий бюджетининг харажатлар қисмига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги таклифи маъқуллансин.

2. 2020 йил 1 февралдан бошлаб иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилиши муносабати билан Ургут туман молия бўлимида иш ҳаки миқдорлари оширилиши билан боғлиқ харажатлар (индексация маблағлари) учун режалаштирилган маблагларни камайтириб, бюджет таснифининг айрим бўлим, кичик бўлим, боблари ҳамда чоралар бўйича харажатлар миқдорининг умумий мутаносиблигини сақлаган ҳолда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларига ажратилган маблағларни кўпайтириш йўли билан иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.

3.Туман ҳокимлиги молия бўлими (Б.Саломов)га бюджет таснифининг айрим бўлим, кичик бўлим, боблари ва ҳар бир харажат турлари бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилишини белгиланган тартибда расмийлаштириш ҳамда

вилоят хокимлиги молия Бош бошкармаси билан келишилган холда хужжатларни туман махаллий бюджетидан молиялаштириладиган худудий бюджет маблагларини таксимловчиларга ижро учун етказиш вазифаси топширилсин.

4.Туман махаллий бюджетидан маблаг олувчи худудий бюджет маблағларини такеимловчиларнинг рахбарларига харажатлар сметасига бюджет таснифининг айрим бўлим, кичик бўлим, боблари ва хар бир харажат турлари буйича тегишли ўзгартиришлар киритилиши хамда биринчи навбатдаги харажатларини тўлик молиялаштирилиши ва тўланиши устидан каттик назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

5.Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи ўринбосари Ғ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Туман хокими М.Турдиев